

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ
(Энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2024 йил 10 май

Бухоро – 2024

Илмий-амалий анжуман Бухоро тарихи, манбашунослиги, тарихшунослиги, археологияси, этнографияси, нумизматикаси, шаҳарсозлиги, маданият ва санъати соҳаларида амалга оширилётган энг янги илмий натижаларни илмий жамоатчиликка етказиш, фан ва таълимнинг узвий боғлиқлигини кучайтириш мақсадида Бухоро давлат университетида **2024 йил 10 май** куни **“БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ”** (ЭНГ ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН ҲОЗИРГАЧА) мавзусидаги Республикао миқёсида илмий-амалий конференция белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Ушбу илмий тўплам кенг илмий жамоатчилик, Бухоро тарихи билан қизиқувчилар, тарихчилар, магистрантлар ва талаба ёшларга мўлжалланган

Масъул муҳаррир:

БухДУ профессори, тарих фанлари доктори

Ҳ.Ҳ.Тўраев

Таҳрир хайъати ва аъзолари:

О.Х.Хамидов - Бухоро давлат университети ректори, и.ф.д., профессор

Т.Х.Расулов - илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, ф.ф.д., профессор

А.А.Болтаев - Тарих в юридик факультети декани, ф.ф.д., доцент

Ф.У.Темиров - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири, т.ф.ф.д (PhD) доцент

С.И.Иноятов – Бухоро давлат университети профессори, т.ф.д.

М.И.Ниязова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н

М.Б.Қурбонова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н

Ф.Ҳ.Бобоҷонова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н

А.Ҳ.Болтаев - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.ф.д (PhD)

Б.Б.Болтаев - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.ф.д (PhD)

О.И.Ражабов - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси,

Ш.Ў.Носиров – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси,

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Темиров Ф.У. – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири

Умаров Б.Б. – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Носиров Ш.Ў – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Мазкур тўплам Бухоро давлат университети Илмий Кенгашининг 2024 йил 4 майдаги
9 – сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

*Илмий-амалий анжуман материалларида ёритилган тарихий жараёнлар,
маълумотлар, чиқарилган хулюсалар, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг
ўзлари масъул ва жавобгардир*

Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

**ПОЙКЕНТ МУЗЕЙИ - АНТИК ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРИХИДАН
СҮЗЛОВЧИ МУЗЕЙ**

Очилов Алишер Тўлис ўғли
БухДУ доценти, т.ф.ф.д. (PhD)

Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши ёлида қилиниётган ишлар сабабли, бугунги кунда Бухоронинг туристик салоҳияти тобора дунё ҳамжамиятини ўзига тортяпти. Туризмни ривожланниши, туристларни ўзига тортаётган маскан бу албатта музейлардир. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинни Музейлар маданият масканидир.

Музейларни шартли равишда икки турга бўлишимиз мумкин.

Булар: 1. Замонавий музейлар. 2. Традицион (анъанавий) музейлар.

Замонавий музейларларда асосан замонавий техналогияларни тақдим этади.

Традицион (анъанавий) музейлар эса асосан билимни, қадимийликни ва тарихни келажакка етказадиган асосий маскандир. Бундай музейлар фақатгина экспонат сақланадиган жой эмас, балки амалий машғулот ва илмий тадқиқотлар ўтайдиган жой ҳамдир.

Шундай музейлардан бири Бухоро шаҳридан олтмиш чақирим жанубий - ғарбда Қорақўл туманининг Шўрабод МФЙ худудида жойлашган Қадимги Пойкент археологик ёдгорлигидан топилган топилмалар сақланадиган Пойкент музейидир.

Пойкент харобаларида XIX аср охиридан археологик тадқиқотлар бошланиб, бу жараён ҳозирги кунга ҳам қизғин амалга оширилмоқда.

Археологик тадқиқотлар натижасида Пойкентдан топилган ашёларнинг аниқ сони ҳақида етарлича маълумотлар қайд қилинмаган. Бунинг сабаби шундаки бу ерда тадқиқотлар Чор Россияси давридан бошланган. Собиқ шўролар замонида ҳам топилган ашёлар мамлакатнинг бошқа шаҳарларига олиб кетилган. Фақатгина Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришганидан кейин топилган ашёлар Бухоро давлат музей-куриқхонасига топширилган. Бугунги кунда бу ерда 10000 га яқин ашёлар тўпланган.

Тўпланган ашёлар музей илмий ходимлари ва тегишли мутахасислар билан биргалиқда тўла илмий жиҳатдан ўрганиб чиқилган. Натижада Ўзбекистон Фанлар Академияси олимлари ва Бухоро илмий жамоатчилиги вакиллари таклифлари асосида, Қадимги Пойкент шаҳри яқинида «Қадимги Пойкент тарихи» музейи ташкил этиш тўғрисида Бухоро вилоят ҳокимининг 2000 йил 1 майда № 73 – ф сонли фармойиши қабул қилинган.

Музей катта зали экзпозицияси X асрга оид сопол бўлагига ёзиб қолдирилган ёзув билан бошланади. Сопол бўлагида: “Бисмиллаҳур ал Роҳмани Роҳийм”, яъни “Дунёда ҳам охиратда ҳам раҳмат қилувчи Оллоҳу таълонинг номи билан бошлайман бу ишни”, дейиладиган Қуръони Каримнинг 2000 йил 1 майда № 73 – ф сонли фармойиши қабул қилинган.

Витринада қўйилган сопол парчаларида ўша даврдан бизгача етиб келган арабча ёзувлар намойиш қилинган.

Маълумки дастлабки даврларда араб ёзувини ўрганиш, ёзиш қийинчилик билан кечган бўлса керак. Шу сабабли ҳам, айрим жумла ва сўзлар нотуғри ёзилган. Бу ерда қўйилган сирланган идиш парчаси ва бўлагида араб насх хатида, идиш ҳошиялари ва баъзи ўринларига араб ёзувлари ҳам туширилганлигини кўрсатади.

Булардан ташқари, ёзув анжомлари шишадан ишланган сиёҳдан, кружкасимон сиёҳдон, қаламдонлар ҳам Пойкент ахлининг IX-XI асрлардаги ёзув анжомлари кандай бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Витринадан ўша давр давлатчилигига хос бўлган пул муомаласини ифодаловчи Сомоний ва Қорахонийлар хукмдорлиги даврида зарб қилинган танга пуллар жой олган.

Иккинчи витринадан жой олган сиркор сопол идишлар ва улардаги безаклар юқоридагиларни тасдиқлаб турибди.

VIII аср охири – IX аср бошидан Мовароуннахр шаҳарларида сиркор сопол буюмлар пайдо бўлди ва кейинчалик кенг расм бўла бошлади. IX-XII асрлар давомида сиркор сопол

Республика миқесидаги илмий-амалий конференция

буюмлар тайёрлаш бадий камолига етди ҳамда юксак техникавий сифатига эришди. Мовароуннарнинг кулолчилик санъати марказлари айни шу даврда шаклланди. Бу марказларнинг асосийси Афросиёб эди. Ўша махалда Шош, Фарғона, Чағониён каби марказлар қаторида ҳақли равишда Пойкент шаҳри ҳам турганлиги бир қатор иккиланишлардан сунг, 2003 йилда ўтказилган археологик қазишларда ўзининг яқуний исботини топди. Топилган маҳсус хумдон ва унда сиркор идишларни пиширишда фойдаланилган сепоядаги буёклар ва сиркор қолдиқлар бундан далолат бериб турибди.

Учинчи витринада шакл ва расмлари бадий камолга етган, сополи сиркорлиги ва буёгининг юқори сифати билан такрорланмас бўлган идишлар ва уларнинг бизгача етиб келган парчалари қўйилган. Улардаги юксак дид билан солинган ўсимликсимон, ҳандасавий, эпиграфик ва зооморф тасвирлар бугун ҳам ўз жилосини йўқотмаган. Бу даврдаги буюмлар тасвир юқори маҳорат билан чизилгани, нафис уйгунликда берилгани билан ажралиб туради. Бу ҳол моҳир кулоллар билан бир қаторда маҳсус мусаввирлар ҳам бўлганидан далолат беради.

Тўртинчи ва бешинчи витриналарда сопол буюмлар тайёрлашда ишлатиладиган турли ҳажмдаги қолиплар ва буюмларга безак беришда фойдаланиладиган мосламалар, буюмлар сиртига тушириладиган тамғалар намуналари намойиш қилинади.

Бу яхлит коллекция X аср охири XI аср бошларига мансуб бўлиб, 2000 йил қазишлари чоғида Шаҳристон II мавзеига даҳлдор №8 хонадонидан топилган. Хонадон соҳиби кулол уста ёки шу соҳага даҳлдор киши бўлган. У алоҳида бир хонага маҳсус сандиқда, тайёр қолиплар ва бошқа кулолчилик анжомларини яшириб қолдирган.

Асосий зал юқори қисмининг ўнг бурчагида X-XI асрларга хос амалий санъатнинг яна бир нодир намунаси осиб қўйилган. Бу экспонат ҳам ганч ўймакорлиги санъати маҳсули бўлиб қисман сақланиб қолган. Панел чап томони ўрта ва қуйи қисми бордюри (ҳошия), марказий қисми ён томонларга қараганда бир мунча ичкарига кирган ҳолатда, ўсимликсимон нақшлари қизил охра бўёғи билан бўялган. Сақланиш ҳолатига кўра бу ганч панно ҳам меҳробни эслатиб туради.

Катта зал чап томон кичик витринасида заргарлик буюмлари намойишга қўйилган.

IX-XI асрларда бадий хунармандчиликнинг бошқа турлари сингари заргарлик санъати ҳам ривожланиб, бир қатор янгича услубий ўзгаришларга учраган. Паррандалар, ҳайвонларнинг ўйма ва чекма тасвири туширилган қўплаб бронза буюмлар безагида ислими-гириҳ нақшлар устун кела бошлаганини кўриш мумкин. Бу даврда қўйма кумуш, бронза, мис буюмлар-тутгmalар, камар қопламалари, билагузуклар, узук ва исирғалар кенг расм бўлган.

Пойкентдан топилган ва витринадан жой олган мис ва жезддан ясалган аёлларнинг пардоз – андоз буюмлари, тақинчоқ намуналари, зеб – зийнат буюмларига қадаладиган қимматбаҳо тошлар, чиғаноқ, гагат ва шишадан ясалган мунчоқлар шодалари, эгар жабдуқлар, жангчилар кийими ва камарларга қадаладиган мис ва жездан ишланган безаклар билан бир қаторда, суюктарошлиқ санъати намуналари ясси ва конуссимон тутгmalар, аёллар соч тўғноғичлари IX-XI асрлар заргарлик ва суюктарошлиқ санъати намуналаридир.

Музейнинг иккинчи кичик зали ҳам IX-XII асрларга оид бўлиб, ўша давр умум минтақа ва Пойкент шаҳрига хос баъзи жиҳатлар масалан металга ишлов бериш, сиркор сопол ишлаб чиқариш техникаси IX-XII асрларга хос уй-рузгорда фойдаланилган сопол идишлар, болалар учун ишлаб чиқарилган, уларнинг дунёқараш, эстетик дидини шакллантиришда кўмаклаша оладиган ўйинчоқлар ва бошқаларни ёритишга ҳаракат қиласи. Ушбу залга кираверишдаги чап томондаги витринада 2000 йил дала сезони даврида археологлар томонидан II Шаҳристон, Б-8-9 обьекти №7 уйдан топилган металга ишлов берувчи устанинг иш қуроллари ва ясаган маҳсулотлар намуналари қўйилган.

Залга эшикдан киравериш рўпарасидаги витринада сопол буюмлар пиширувчи хумдон макети қўйилган, маҳсус коромисло (илгич) лар, илгичларга уста томонидан

Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

ясалган чироқлар, кўзачалар, шақилдоқлар осиб қўйиладиган бўлган. Бу хумдонда кўк ранг сир бериб ишланган маҳсулотлар пиширилган.

Залнинг учинчи витриналаридан IX-XII асрларга оид уй-рўзгорда фойдаланилган сопол идишлар намойиш қилинган. Булар сирасига хурмача, товоқлар, хўқача, қозонлар идиш қопқоқлари, стакан, кружкалар, мустахара, дастурхон тагликлари ва бошқалар киради.

Тўртинчи витрина марказидан қазишлар натижасида топилган X-XI асрларга оид шиша буюмлар қолдиқлари ўрин олган. Бу даврда Пойкент шахри қуи Зарафшон минтақасида шиша маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик марказга айланган. Пойкентдан шишидан санъат асари даражасидаги ноёб буюмлар ишлаб чиқарилган. 1984 йилдаги қазишлар чоғида шиша буюмлар ишлаб чиқарилган бир қанча ўчоқлар ва мосламалар қолдиқлари очиб ўрганилган. Шиша идиш-товоқлар, кимёвий идишлар, атири шишилар, бошқа уй рўзгор идишларини ишлаб чиқариш урф бўлган. Уларда тасвирий мотивлар кам учрайди, мавжудлари унча мураккаб бўлмай пуфлаш ёки қолипда босиш йўли билан тайёрланган.

Витринада алембиклар деб аталувчи шишидан ясалган химиявий идишлар намуналари ҳам қўйилган бўлиб, 1980 йиллар бошларида Пойкентда очилган «Пойкент дориҳонаси»дан топилган 12 дона шу хилдаги идиш намуналариданdir. Кўк рангли шишидан тайёрланган, 6-9 см ли найча бириктирилган бу идишлар аксарият ҳолларда тиббий ва химиявий мақсадларда фойдаланилган бўлса ажаб эмас.

Музейнинг учинчи зали Пойкент шахридан топилган Сўғд даври ёдгорликларини ёритади, будда ҳайкалчаси, Анахита ҳайкалчаси, ўзида сўғдийлар уй-рўзгор ҳомийиси бўлган худони тасвиrlаган, лойдан ишланган фриз, Пойкентликларнинг диний эътиқодларини ёритувчи остадон қолдиқлари, Сўғд рангтасвир санъатининг намунаси сифатида тасвиrlанган деворий расм қолдиқлари, V-VIII асрларга оид сопол буюмлар қўйилган бўлиб, улар орасида сичқонқопқон алоҳида ўрин тутган.

Туртинчи витринада сўғд давридаги бой хонадонлар уйларига ишланган безак намунаси қўйилган. Хонадон безаклари оддий лойдан қўйилган фризлар бўлган. Улардан колонналар, капитель, карнизлар ва деворларга маҳсус ҳошиялар солишган. Уларда ўсимлик орнаментлари, кушлар, айникса товус тасвиrlари ифодаланган.

Тўртинчи зал Пойкент микровоҳасининг қадимги ва антик даврлардаги тарихини очиб беради. Бу ерда Қадимги Пойкент шахри атрофларидан топилган, ибтидоий жамоа қуи босқичларида яшаган одамларнинг жанг ва меҳнат қуролларини, бронза даврига оид камон учлари, воҳада ибтидоий тўқимачилик мавжуд бўлганини илмий тасдиқловчи урчук бўллаги алоҳида осма витринада намойиш қилинади. Деворий монументал рангтасвир санъатининг 4-5 асрларига оид, ўзида эътиқод сахнасини акс эттирувчи деворий расм парчаси, Зардуштийлар ибодатхонасидан топилган, диний эътиқод маросимларини бажаришда фойдаланилган буюмлар, мелодий эра бошларига тааллукли жанг қурол яроқлари намуналари, антик ва эрамиз бошларидаги тангалар намойишга қўйилган.

Музейнинг диаграмма залида Қадимги Пойкент шахрининг сақланиб қолган суратлари, археологик қазишлар жараёнини тасвиrlовчи фотосуратлар намойиш қилинган.

Бу ерда ўрта аср Пойкент шахри девори ва ундаги қўриклиш миноралари реконструкцияси ишланган бўлиб, бу ишни Россия Давлат Эрмитажи архитектори Л.Кулакова ва Н.Негматовлар бажаришган.

Хулоса ўрнида шуни такидлаш жоизки, Пойкент музейи Бухоро воҳаси тарихини ёритиб берадиган бой маданий тарихга эга маскандир. Бу археологик ёдгорлик ва ундаги топилган топилмалар жойлашган археологик музей туризмнинг ривожланишида ўз ўрнига эга музейлардан биридир.

О.Х.Хамидов. Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро илм-фан ва маданият ўчоги.....3

Сулаймон Иноятов. БУХОРО ФИДОЙИ ЖАДИДЛАРИ ҲАРАКАТИ: ТАРИХ ВА ТАКДИР	5
Фаррух Темиров, Раъно Раҳимова. БУХОРО ВИЛОЯТИ, ЖОНДОР ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН “УШОТ” ВА “СОМОНЧУҚ” ҚИШЛОҚЛАРИ ТАРИХИ ҲАҚИДА	15
A.H. Boltayev, O.I. Rajabov. PROFESSOR Н.Н.ТО‘RAYEV – BUXORO TARIXI TADQIQOTCHISI	17
Фаррух Темиров. 2023 йилнинг 20 сентябрда Бухоро давлат музей қўрикхонаси ва Бухоро давлат университетида “Бухоро тарихи масалалари: тарихий – маданий меросимизни ўрганимиз” мавзусида Республика миқёсидаги илмий семинар ва унинг натижалари ҳақида	19

1-ШЎЬБА. БУХОРНИНГ ҚАДИМГИ, ИЛК ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ (АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОГРАФИЯ, ШАҲАРСОЗЛИК, ИЛМ-ФАН, САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ).....22

Отахўжаев Азимхўжа Музаффарович. БУХОРНИНГ ҚАНҒ ДАВЛАТ УЮШМАСИДАГИ ЎРНИ	22
Комилжон Раҳимов. ЎРТА АСРЛАРДА БУХОРОДА КУТУБХОНАЛАР ВА КИТОБ ДЎКОНЛАРИ ВА УЛАРДАГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ	25
Shodiyeva Shahlo Soliyevna, Umedov Xurshidbek Jamshid o‘g‘li. SO‘G‘D KONFEDERATAIYASIDA DAVLAT BOSHQARUVI	29
Очилов Алишер Тўлис ўғли. ПОЙКЕНТ МУЗЕЙИ - АНТИК ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРИХИДАН СЎЗЛОВЧИ МУЗЕЙ	33
Даминов Набижон Абдуолимович. ДОБУСИЯ ҚАЛЬАСИ ТАРИХИ	36
Bafoyeva Sarvinoz Umidjon qizi, Ahmadov Ahmadjon Asror o‘g‘li. BUXORO VOHASINING ILK SHAHARLARI:POYKENT VA VARAXSHA	40
Narzulloyev Farrux, Ahmadov Ahmadjon Asror o‘g‘li. BUXORONING ANTIK VA ILK O‘RTA ASRLAR TARIXI (POYKENT MISOLIDA)	42
Шокирова Ферангиз Фурқат қизи, Rajabov Oybek Iskandarovich. ILK O‘RTA ASRLARDA DAVLATCHILIK VA BOSHQARUV	45
Islamova Qunduz. BUXORONING QADIMGI, ILK VA O‘RTA ASRLAR DAVRI TARIXI MASALALARI	47
Hikmatova Salomat Hamza qizi, Ahmadov Ahmadjon Asror o‘g‘li. BUXORONING ZAMONBOBO YODGORLIGI MODDIY MADANIYATI	49
A’зам Boltayev, Hamroyev Bekzod. BUXORO TUMANIDAGI ETNOTOPONIMLAR TARIXI	51
Umarov Baxtishod. BUXORONING SOMONIYLAR MARKAZIGA AYLANISHI MASALASI	53
Juraqulov Muhammadamin Shoahtramovich. SOMONIYLAR DAVRIDA KUTUBXONA VA KITOBDORLIK TIZIMI	56
Samaneh Khalili Far, Abbas Iqbal Mehran. INVESTIGATING THE ROLE OF SAMANI RULERS IN THE ART OF PAINTING IN THE SCHOOL OF BUKHARA	60
Narimonov Murodillo Ismat og‘li, Utayeva F.X. SOMONIYLAR DAVLATIDA ILM-FAN, MADANIY HAYOT VA DIN	71
Ozodova O‘g‘iloy Davron qizi, S.A.Toshtemirova. QORAXONIYLAR DAVRIDA BUXORO SHAHRIDA SHAHARSOZLIKNING RIVOJLANISHI	73
Xo‘jageldiyev Ibodulla Mamaradjab o‘g‘li. BUXORO ME’MORCHILIGI	74
Shodiyeva Shahlo Soliyevna. AMIR TEMURNING OILASI VA OILAVIY HAYOTI: HOKIMIYATINING GENEALOGIK LEGITIMLASHUVI	78

БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ
(Энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

мавзусида Республика миңесидаги илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2024 йил 10 май

“Садриддин Салим Бухорий” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Адади 20 нусха. Ҳажми 522 бет. Формат А4. Буюртма 256. 2024 йил.